

ЎЗБЕКИСТОНДА МИНТАҚА ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛЛАРИ

Мадаминов Қудратилло Олтибой ўғли

Бизнес ва тадбиркорлик

олий мактаби тингловчиси

Энг йирик юқори даромадли тармоқлардан бири бўлган, даромадлилиги бўйича фақат нефтни қазиб олиш ва қайта ишлашдан кейинги ўринда турувчи соҳа бу-Туризмдир. Туристтик бизнес хар қандай давлат, вилоят ва туманнинг иқтисодиётига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Катта маблағ талаб қилишига қарамай, туризм соҳасига капитал тикиш ўзини анча тезроқ оқлаши билан бошқа бизнеслардан фарқ қилади.

Туризм тушунчаси бир қараганда битта маъно ангалатиши мумкин бу, оддий халқ ва бу соҳадан йироқ бўлган вакилларга хосдир. Аслида Туризм жуда кенг қамровли тушунча бўлиб, хусусиятларига кўра тавсифланади. Жумладан географик белгилари, туристик оқим йўналиши, сафар мақсади, ҳаракатланиш усуллари, туристларни жойлаштирувига кўра тавсифланиши мақсадга мувофиқдир.

Хизматларга тўловларни амалга ошира туриб, ўша давлатнинг бюджетига тайёр валюта тушимини таъминлайди дегани, шу сабабли чет-эл туристларнинг келиши “Актив туризм” демакдир

| Т/Р | Тавсифланишига кура | Туризм турлари |
|------------|--|---|
| 1 | Географик принциплари бўйича | 1.1 Миллий 1.2 Халқаро 1.3 Ички |
| 2 | Туристтик оқимлар йўналиши бўйича | Кирувчи Чикувчи |
| 3 | Мақсадлар бўйича | Соғломлаштирувчи туризм Малакавий иш туризми Умумий туризм Шопинг турлар Саргузашт туризм Зиёрат туризми |
| 4 | Ҳаракатланиш усули бўйича | Автотранспорт Денгиз транспорти Темир йул транспорти |

Кирувчи туризм-фаолияти тўланмайдиган туристик мақсадларда доимий яшамайдиган шахсларнинг ўзга мамлакат худудига ташрифига айтилади.

Чиқувчи туризм-бир мамлакат худудига доимий яшовчи шахснинг бошқа мамлакат фаолияти тўланмайдиган саёҳати, ташрифига айтилади.

Рекреацион туризм-дам олиш туризми таркибига кириб, бир қатор давлатларда оммавий туризм шакли ҳисобланади. Ривожланган давлатлар сирасига кирувчи Франция, Италия, Испанияга чет-эл туристларнинг ташрифи аввало мана шу мақсад кўзланади. дам олиш туризмининг ўзи бир неча турларга бўлинади.

Қизиқарли томоша-бунга кино ва театр, концертлар, фестиваллар кирса;

Қизиқарли машғулотлар сирасига-ов қилиш, балиқ овлашлар шу жумладандир, бундан ташқари, халқларнинг миллий маданияти ва урф-одатини шрганиш мақсадида ташкил этиладиган “этник саёҳат”ларни ҳам шулар жумласига киритса бўлади.

Туризм иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига қараганда тадбиркорлик фаолиятининг кенгроқ соҳаси ва қўшимча меҳнат муҳити сифатида кейинги йилларда олдинга силжишга эришди. Туризм соҳаси бошқарувчилари озгина бўлса ҳам амалий тажрибага эга бўлишни ва аҳолига хизмат кўрсатишда юқори даражадаги маданиятга эга бўлиши талаб этилиб, бу жараёнда туризм инфраструктураси ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Мамлакатимизда минтақа туризмини ривожлантиришда рақамли маркетингдан фойдаланиш ҳамда ушбу соҳага замонавий ахбороткоммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида Хорижий туризм бозорларида мамлакат туризм салоҳиятини тарғиб қилиш орқали Республикага ташриф буюрадиган хорижий туристлар сонини 2026 йилгача 9 млн нафарга етказиш белгиланган.

Рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда ушбу мақсадни амалга оширишда мақсадли бозорларда маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, давлатлар кесимида туристик маршрутларини ишлаб чиқиш; хорижий мамлакатларда халқаро туризм кўргазма ва ярмаркаларда миллий стенд билан иштирок этиш; томошабинлар қамрови кенгбўлган оммабоп блогерлар ҳамда инфлюэнсерлар учун мамлакат бўйлаб инфо турлар ташкил қилиш асосий йўналишлар қилиб белгиланган.

Туристик маршрутдан якуний фойдаланувчи минглаб километр узокликда бўлиши мумкинлиги сабабли, рақамли маркетинг туризм саноатида муҳим рол ўйнайди. Сўнгги ўн йил ичида халқаро майдонда рақамли

маркетинг туризм соҳасида умумий маркетингнинг муҳим таркибий қисмига айланди. Туристлик хизмат кўрсатиш соҳасида рақамли иқтисодий қўллашнинг қулайликлари қуйидагича: Туристлик хизматлар сотиб олиш учун харажатлар камаяди (масалан, олдиндан меҳмонхонани бронлаш, авиабилет). Туристлик хизматлар (Турпакетлар) ҳақида кўпроқ ва тезроқ маълумот олинади. Рақамли дунёдаги туристик хизматларнинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятлари катта бўлади.

Фидбек (туристлар фикрини)ни тез олиш ҳисобига турмаршрутлар ва хизматлар жадал такомиллаштирилади. Хизмат кўрсатиш тезроқ, сифатлироқ, қулайроқ бўлади. Рақамли иқтисодий бу - гибрид иқтисодийдир. Бу ахборот-коммуникация ва молия технологияларининг ривожланганлиги, шунингдек, биргаликда гибрид туризм ва хизмат кўрсатишдаги барча иқтисодий фаолият субъектлари – товарлар ва хизматлар яратиш, тақсимлаш, айирбошлаш, истеъмол қилиш жараёни объектлари, субъектларининг тўлақонли ўзаро алоқа қилиш имкониятини таъминлайдиган инфратузилма очиклиги туфайли мавжуд бўлиши мумкин.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек туризмнинг иқтисодийда ўзига хос ўрни бўлиб, фақатгина дам олиш эмас, қолаверса иқтисодийнинг ажралмас қисмидир. Бу соҳа нафқат тур фирмаларга фойда олиб келиш билан бирга, давлатга солиқ тўланишида ҳам ўз фойдалилиги жихатидан дунёда иқтисодий самарадорлиги бўйича тўртинчи ўринда туради. Туристларга хизмат кўрсатиш маҳаллий аҳолига фойда келтирувчи соҳалар сирасига киради. Худди шундай мамлакат президенти томонидан туризмни ривожлантириш бўйича бир қатор фармон ва қарорларни имзоладилар.

Туризм соҳасида давлат сиёсати истиқболли ҳудудлар ва уларнинг инфратузилмасини комплекс жадал ривожлантиришда туризм соҳаси етакчилик қилиши, долзарб ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ечиш, иш ўринларини кўпайтириш, аҳолининг даромадлари, яшаш даражаси ва сифатини ошириш ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги ва имиджини яхшилашга қаратилган.

2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси туризм соҳасини ривожлантиришнинг мақсадлари туризмни миллий иқтисодийнинг стратегик соҳасига айлантириш, туристик хизматларни диверсификациялаш ва сифатини ошириш ҳамда туристик инфратузилмани, шу жумладан хорижий сармояларни жалб қилиш ва самарали реклама-маркетинг ишларини олиб бориш эвазига такомиллаштириш орқали иловада кўрсатилган мақсадли кўрсаткичларга эришиш концепцияси ишлаб чиқилган.

Иқтисодий ва рақамлаштириш туризм соҳаси учун янги имкониятлар ва истикболларни очади. Рақамли технологиялардан фойдаланиш туризмга харажатларни камайтириш, компаниялар самарадорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш, рақамли товар ва хизматлар бозорида ўз ўрнини эгаллаш учун янги турдаги туристик маҳсулотларни чиқариш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрда ПФ-158-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон-2030” стратегияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.04.2022 йилдаги ПҚ-232-сонли “Ички туризм хизматларини диверсификация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. <https://lex.uz/docs/5991928>.
3. “Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 2018 йил 6 февраль, ПҚ-3510-сон.
4. “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 2019 йил 05 январь, ПФ-5611 сон.